MChJ «PROMSTROY-AUDIT» AT
Pochta manzili: Navoi viloyati Navoi shahar
Ofis tel: 97-795-07-14, 97- 228- 09-24. XXTUT:84400
h/r: 20208000904864156001. STIR: 207094830
Тошкент Aloqa bank. MFO: 00401 PSA.SJJ-2011@mail.ru
Guvohnoma № 1091. 26.08.2010 y. Litsenziya № 00788.05.04.2019 y.

Аудитнинг Халқаро стандартларига (АХС- 700) мувофиқ мустақил ўтказилган аудит бўйича

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Бухоро вилоят *"Buxorodonmahsulotlari"* акциядорлик жамияти акциядорлари ва раҳбарларига:

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлиқ номи:	*"Buxorodonmahsulotlari" акциядорлик жамияти*
Юридик манзил:	*Бухоро шаҳар, Ҳ.Т Бухорий кўчаси 19 уй.*
Ҳисоб рақами:	*20210000000202272001. "Агробанк" АТБ Бухоро шаҳар филиали*
МФО:	*00089*
ХХТУТ:	*19211*
СТИР:	*201429645*
Тел:	*91-441-05-32*
Асос:	*01.03.2022 й.№128751-сон шартнома № лот: 22121008125941*

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROMSTROY-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори (Аудитор малака сертификати №05846. 16.12.2021 йил) Раззоқов Давронбек Неъматжон ўғли *"Buxorodonmahsulotlari" АЖ* нинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди. Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда аудитор, вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча *"Buxorodonmahsulotlari" АЖ* нинг молиявий ҳисоботлари унинг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

(АХС- 700. 2-илова)

Хулоса ёзилган сана: 01.03.2022 йил

МЧЖ «PROMSTROY-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори ***Ж.Саидов***

Аудитор ***Д.Раззоков***